







# *Coca-Cola Ichimligi Toshkent Ltd.*

Ўзбекистонликлар, фахрланинг!  
Биз пешқадаммиз!

Биз ҳар доим биринчимиз!

Ўзбекистон Кока-Коласи 1996 йилнинг ёлиби ва пешқадами!  
Азиз ҳамюртлар!

Сизларнинг ҳар доим сифатли маҳсулот учун бўлган талабингиз Янги -- 1997 йил арафасида бизга омад ва кубончи хушxabар келтирди. Юқори даража кўрсаткичлари учун Ўзбекистон Кока-Коласи Шарқий ва Марказий Еуропа давлатлари ичида биринчи ўринни олди ҳамда «1996 йилнинг энг яхши қўшма корхонаси» деб топилди.

Бу, энг аббало, Сиз тўғрайлидир!

Биз бундан ёятда мамнунмиз!

Сизларни Янги йил байрами билан табриклаймиз, ишларингизда улкан зафарлар, оилангизга тинчлик ва хотиржамлик тилаймиз!

«Кока-Кола ичимлиги Тошкент ЛТД» қўшма корхонаси.

ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДАГИ ҚОНУН — АМАЛДА

ИҚТИСОДИЁТТА ОИД ТЕРМИНЛАР

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида тилимизга кўпдан-кўп терминлар (атамалар) кириб келмоқда...

1. Кўплаб терминлар тилимиз имкониятлари асосида ўзбекча шакллантирилган. Бунда бир гуруҳ терминлар ўзбек тилидаги тайёр муқобиллар билан берилмоқда...

«Давлат тили ҳақидаги» Қонуннинг (1995 йил 21 декабрь) 7-моддасида «Янги илмий асосланган атамалар жамоатчилик муҳокамасидан кейин ва Олий Мажлис тегишли кўмитасининг розилиги билан ўзбек тилига жорий этилади» дейилган.

Конференцияни ўтказиш учун жиддий тайёргарлик кўрилди. Атамашунослик кўмитаси ходимлари иқтисодиёт терминологиясидаги вариантликни — бир тушунчани ўзбекчада турли муқобилларда ифода этиш ҳолатларини тўплаб чиқди ва уларни «Бозор иқтисодиётга оид айрим терминларнинг қўланиши» жадалли ҳолига келтирди.

Олий Мажлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитасининг «Ўзбек тилига янги атамаларни жорий этиш ҳақида» 1996 йил 24 декабрдаги қарорида шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик кўмитаси томонидан киритилган «Бозор иқтисодиётига оид айрим терминларнинг қўланиши жадалли» кўмита аъзолари ва кўмига қошидаги ўзбек тилига янги атамаларни жорий этиш бўйича эксперт гуруҳи аъзолари томонидан билдирилган тақлиф ва мувофиқлик (иловага мувофиқ) инобатга олган ҳолда маъқулланган ва уларнинг амалиётга жорий этилишига розилик берилсин».

Давлат тили ҳақидаги Қонунга асосан Олий Мажлис кўмитаси томонидан маъқулланган жорий этилаётган ушбу атамаларга матбуотдан, оммавий ахборот воситаларидан, турли вазирият, кўмига ва идораларда иш юритишда амал қилиниши шарт.

Одил ЁҚУБОВ, Атамашунослик кўмитаси раиси.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси томонидан амалиётга жорий этишга розилик берилган иқтисодиётга оид терминлар рўйхати

Table with columns: Русча қўланиши, Ўзбекча қўланиши, раббатлантириш, мақлер, даллол, мақлер, даллол, мақлер, даллол. Includes terms like аванс, дебитор, маркетинг, менеджер, маркетинг, менеджер, маънавият, маърифат, кунлари.

ЖАҲОНГАШТА САЙЁҲ БУХОРОДА

Ҳиндистоннинг Калкутта шаҳрида истикомат қилувчи Рам Чандра Бисвас жаҳон бўйлаб велосипедда сەйхат қилмоқда. У кунги кеча Бухорои Шарифга етиб келди. Биз жаҳонгашта сайёҳни савоғла туғдик:



ТОҒ ЙҮЛИДА. Р. ЖУМАНИЕЗОВ сурат-лаваҳаси (ЎзА).

Халқ сўзи. Народное слово. Бўш муҳаррир: А. Усмонов. Мухбир: А. Мадатов.

Спорт Спорт Спорт

ТУРОЗМИНИКЛАР СПОРТДА ҲАМ ЕЛКАДОШ

Турозмини мамлакатлари спорт соҳасида ҳам ўзаро ҳамкорлик аниқталганин давом эттиришгати. Жумладан, бу йил кўп түпи жамоалари Марказий Осиё клублари чемпионатини ўтказишга қарор қилишди.

ЖАМОАЛАРИНИНГ НОМИ ЎЗГАРДИ

Маълумки, ўтган йилги Ўзбекистон миллий чемпионатининг олий лигасида Урганчининг «Динамо» жамоаси қатнашган эди. Бу йилги мавсумини урганчинлар янги ном билан бошлайдиган бўлишди.

МУШТАРИЙ МУЛОҲАЗАСИ

ҚАҲҚАҲАНГНИ СОҒИНДИК, «МУШТУМ»!

Ёки журналнинг камчилиги иллатларга қарши муросасиз бўлиш вақти келди

Мен сеvimли ҳажв ва кўли журналимиз — «Муштум»нинг салкам қирқ йиллик ўқувчиси ва ашадли муҳлисиман. Биз, оила аъзоларимиз билан «Муштум»хонларимиз, десам асло янглишмайман. Ҳатто набираларимнинг ҳам «Муштум»га қизиқайтганини кўриб хурсанд бўламан.

Узим узоқ йиллардан буюн темир йўл соҳасида ишлайман. Дашлаб вагон хизматчиси бўлганман. Ҳозир «Тошкент — Бухоро» теозор поездеининг бошлиғиман. Менинг доимий ҳамроҳим, ҳамфиқрим эса «Муштум». Баъзан журналнинг яши чиққан сонларини ҳамкасбларим, йўловчилар билан баҳам кўраман.



нуксонлар, йўл қўйилаётган хатолар ва танқидий мулоҳазаларни эшитиб, ўқиб, «Муштум»нинг таъсир кучини янада ошириш, танқид тигини ўткирлаштириш лозим, деб ўйлайман.

Масалан, ўтган йили қатор вилоятларда халқ депутатлари кенгашларининг сессияси бўлиб ўтди. Ушбу сессияларда маъруза қилган Президентимиз ўша вилоятларда эришилаётган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган жиддий нуқсонлар, камчиликларни аёвсиз очиб ташлади.

«Муштум»нинг зарбли муштарлари қани? Тараққимизга тўсиқ бўлаётган иллатларни нега ўз вақтида фоз этмапти? Нега баъзан муштарликнинг илоҳи гаразли ниятлардан, кўркамийдан ҳасадилардан асрашда «Муштум»нинг жангдор овози эшитилмай қолган?»

Илгари журнал ҳар ўн беш кунда семизгина чоп этиларди. Кейинги 2-3 йил ичида «Муштум»нинг ҳажми ўзгариб, бир неча варақ бўлиб қолди. Наҳотки, республикаимизда ягона сатир ва юмор журнални бўлган «Муштум»ни асл ҳолига қайтаришнинг илоҳи бўлмаसा? Нега бу доллариз масала тўғрисида, аввало, журнал таҳририяти, унинг муассиси бош қотирмаган?

Бошқа кўпгина матбуот нашрлари қаторида «Муштум»нинг ҳам республикамизнинг айрим туманларига, олис қишлоқларига етиб бормаётганини қандай изохлаш мумкин? Халқ ўз сеvimли наشري «Муштум»дан анча узлиб қолаётганига нима дейсиз?..

ДИҚҚАТ! Давлат-акционерлик «Тошуйжойжағармабанк» маълум қилади: ҳамма ўхшалик юритувчи субъектларга, мудида хўй кетган «Ташжилсбербанк» ва «Ташсоцжилбанк» векселларининг барчаси 1997 йилнинг 25 январигача тўловларга тақдим қилиниши шарт.

Харқуни кўпсўласини қабул қилар экансиз, сиз ўз теринизини мусаффо қиласиз, гўзаллик ва майинлик бахш этасиз. Сизнинг бардам ва гўзаллигиниз.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир — И. Утбосаров. Навбатчи — Н. Собиров. Муҳасиҳ — Ш. Режапов.